



## КОРРУПЦИЯГА ОИД ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНING АҲАМИЯТИ

Хисрамов Хушбаҳт Хуршедович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 2-ўқув курси

223-гуруҳ курсанти

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Хуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси ўқитувчиси

майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15654290>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> June 2025

Accepted: 05<sup>th</sup> June 2025

Published: 13<sup>th</sup> June 2025

### KEYWORDS

### ABSTRACT

*Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашининг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда.*

Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш жиноятларнинг олдини олишда, албатта, ўз самарасини беради, ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш зарур<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий вазифамиз – амиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмайти. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усуллари аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур” Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг

<sup>1</sup> Ниматов Ш. Н. Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилиги билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.

хамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда<sup>2</sup>.

Коррупция (лотинча: *corruptio* – айниш, порага сотилиш) – мансабдор шахснинг ўз мансаби бўйича берилган ҳуқуқларни шахсий бойиш мақсадларида бевосита суисте’мол қилишидан иборат амалиёт. Мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг порага сотилиши ҳам Коррупция дейилади. Коррупция давлат аппарати ва парламент фаолиятида айниқса, авж олади. Сайланадиган лавозимларга номзодлар сайлов кампаниясини ўтказиш ҳаражатларини кўтариш Коррупция кўринишларидан биридир (сайланган киши турли имтиёзлар, ёрдам, хизматлар кўрсатиб „ўз қарзини“ қайтаради). Аксарият Коррупция лоббизм (монополияларнинг қонунчилик органлари ва амалдорларга тазйиқ ўтказиш билан шуғулланадиган муассаса ва агентлари тизими) билан боғланган. Халқаро даражада 1970-йилларда Японияга самолётлар сотишда компания томонидан олий давлат амалдорларини сотиб олиш бўйича „Локхид иши“ энг йирик Коррупция кўринишларига мисол бўлади. Порани хаспўшлаш учун йирик битишувларда кўпроқ „хизмат ҳақи“ тўлаш амалиётидан фойдаланилади.<sup>3</sup> Макроиқтисодий тадқиқотларга биноан, Коррупция иқтисодий ўсиш ва тараққиётга халал берувчи энг катта омилдир<sup>4</sup>. Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритганидан бошлаб барча соҳалар қатори жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаётида ҳам сезиларли ўзгаришларни амалга ошира бошлади. Хусусан, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими, ижтимоий ҳаёт, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар алоҳида эътиборга молик. Коррупция (лат. *corruptio* — маънавий (ахлоқий) жиҳатдан бузиш, разиллаштириш, йўлдан уриш, лат. *corruptio* — пора бериб сотиб олиш; бузилиш, ишдан чиқиш, ахлоқий (маънавий) бузилиш; чириш; сотқинлик, таназзул) - одатда мансабдор шахс томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан, шунингдек, бу билан боғлиқ расмий нуфуз мақомидан, имкониятлар ва алоқаларидан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатадиган атама. Коррупцияни лоббизмдан фарқлай олиш лозим. Лоббида мансабдор шахс ҳам ўз хизмат ваколатларидан белгиланган гуруҳ манфаатларидаги ҳаракатлар эвазига лавозим пиллапоysi бўйлаб ҳаракатланиш ёки тайинланиш имкониятини ошириш учун фойдаланади. Асосий фарқ шундаки, лоббизм учта шартга жавоб беради: 1. Мансабдор шахсга таъсир этиш жараёни рақобатли характерга эга бўлиб, барча қатнашчиларга маълум бўлган қоидаларга риоя қилади. 2. Сир тутилган ёки қўшимча (иккинчи даражали) тўловлар мавжуд эмас. 3. Мижозлар ва агентлар бир-биридан шу маънода мустақилки, ҳеч қандай гуруҳ бошқа гуруҳ ишлаб топган фойдадан улуш олмайди. Коррупция ҳолатларининг кўпайиб бориши натижасида унинг асосий турларига бўлган муносабат ҳам шаклланиб бораверади. Хусусан, коррупция турларига қуйидагилар киради. Маиший коррупция оддий фуқаролар ва амалдорларнинг ўзаро алоқалари натижасида вужудга келади. Унинг таркибига фуқаролардан мансабдор шахс ва унинг оила аъзоларига турли совғалар ва хизматлар киради. Ушбу тоифага ошна-оғайнигарчиликлар (непотизм) ҳам киради.

<sup>2</sup> Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари // Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

<sup>3</sup> О‘зМЕ. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil

<sup>4</sup> Bardhan P. Corruption and development // Journal of Economic Literature. – 1997. – Vol. 25. – P. 1320. [1] (Wayback Machine saytida 2009-09-20 sanasida arxivlangan)(ingl.)

<sup>5</sup> Tanzi, V. Corruption, Governmental Activities and Markets // IMF Working Paper 94/99. – International Monetary Fund, Washington, DC. – 1994. [2](ingl.)

Ишбилармонлик коррупцияси ҳукумат ва бизнеснинг ўзаро алоқалари натижасида вужудга келади. Масалан, ҳўжалик низоси рўй берган ҳолатларда томонлар ўз фойдасига қарор чиқариш мақсадида судья кўмагини қўлга киритишга ҳаракат қилади. Номарказлашган (ташқи) коррупция энг тарқалган бўлиб, бунда битимлар мансабдор шахс ва хусусий шахс ўртасида индивидуал равишда тузилади. Бироқ ички коррупция–битта ташкилот аъзолари ўртасидаги коррупция – қўшилиши унга уюшган жиноят жиҳатларини бахшида этади. Суистеъмол коррупция шаклларида бири (мансабдор шахс ёки шахслар гуруҳи жиноий ҳаракатларидан бири) бўлиши мумкин, лекин коррупция таърифининг бутун тўлиқлиги бу билан тугамайди.

Давлат ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислохотларни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келадиган, жамоатчилик институтларининг нормал фаолият юритиши ва механизмига путур етказадиган, жамиятда давлат ҳокимиятига нисбатан ишончсизликни вужудга келтирадиган ҳамда мамлакат хавфсизлигига хавф туғдирадиган, шунингдек, мамлакатнинг молиявий-иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, давлат бошқаруви ва тадбиркорликнинг самарадорлигини пасайтирадиган ҳамда инвестицион муҳитни ёмонлаштирадиган ва ижтимоий тенгсизлик келтириб чиқарадиган иллат бу – коррупциядир. Қайд этиш лозимки, давлат келажагининг таназзули бўлмиш коррупцияга қарши кураш нафақат юртимизда балки, халқаро миқёсда ҳам долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, коррупция сўзи, латинча «corruptio» сўзидан олинган бўлиб, «сотиб олиш», «пора» деган маъноларни билдиради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Коррупцияга қарши конвенцияси»да «Коррупция – шахсий наф кўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш»<sup>6</sup> деб қайд этилган. Хусусан, бугунги кунда дунё ҳамжамятида бот-бот қайд этилаётган ушбу тушунчага Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»<sup>7</sup>ги қонунда «коррупция– шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш» деб таъриф берилган.

Мутахассис Б.И. Исмаилов, коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ жиноят. Коррупция деганда, аксарият ҳолларда давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларини кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга ҳилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади<sup>8</sup> деган фикрни илгари суради.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жаҳон амалиётида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда уни олдини олишга қаратилган тегишли ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт шаклланиб бормоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг Коррупцияга қарши кураш резолюцияси (1995 йил), Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996йил), Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация (1997 йил), Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси (2000 йил), Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция (2008 йил) ва

<sup>6</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.).

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

<sup>8</sup> Исмаилов Б. И. Коррупцияга қарши курашининг халқаро-ҳуқуқий асослари. Маъруза матни. –Т., 2013. –Б. 2



бошқа халқаро ҳужжатларнинг қабул қилингани мазкур ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда унга қарши курашда ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжатлардан бири бўлиб, бугунги кунда дунёнинг 130 дан ортиқ давлатлари томонидан ратификация қилинган. Мазкур ҳужжатда коррупция жиноятининг моҳияти очиқ берилган ва унга қарши кураш чоралари белгилаб берилган.

Юртимизда сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида бир қанча муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга мурасасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»<sup>9</sup>ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>10</sup>ги Фармонларининг қабул қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталар ташкил этилиши шулар жумласидандир. Шунингдек, бугунги кунда юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида коррупциянинг турли кўринишларини олдини олиш ва унга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим масалалардан бири бўлиб, давлат органлари фаолиятининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Хусусан, 2008 йил 7 июль куни Ўзбекистон Республикасининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»<sup>11</sup>ги қонуннинг (ЎРҚ-158-сон) қабул қилиниши билан мазкур ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, унга қарши кураш бўйича мамлакатимиз халқаро мажбуриятларни қабул қилди ва шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаш-тиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»<sup>12</sup>ги қонуни қабул қилинди. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича самарадорликни ошириш, юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ижобий томонлама ошириш мақсадида ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>9</sup>да белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси кўрсатишини инобатга олиб коррупцияни миллий хавфсизликка таҳдид сифатида баҳолашимиз мумкин. Хусусан, юртимизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда уни олдини олишга қаратилган юқорида қайд этилган халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш билан бирга, коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган миллий ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт йил сайин шакллантирилиб, такомиллаштирилиб бормоқда.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-419-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5729-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги
  2. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>
  3. Bardhan P. Corruption and development // Journal of Economic Literature. – 1997. – Vol. 25. – P. 1320. [1] (Wayback Machine saytida 2009-09-20 sanasida arxivlangan)(ingl.)
  4. Tanzi, V. Corruption, Governmental Activities and Markets // IMF Working Paper 94/99. – International Monetary Fund, Washington, DC. – 1994. [2](ingl.)
  5. O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
- Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.).
6. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.
  7. Исмаилов Б. И. Коррупцияга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий асослари. Маъруза матни. –Т., 2013. –Б. 2
  8. Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.
  9. Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

INNOVATIVE  
ACADEMY